

Илм дунё ва охиратда манфаат беради



09:00 / 27.12.2022 2048

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирди Қози Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Отам вафот этганида мен ёш бола эдим. Онам мени газлама оқловчига олиб бориб топширди. Мен Абу Ҳанифанинг дарс ҳалқалари олдидан ўтиб кетаётиб, у ерда тўхтаб дарс эшитиб ўтирардим. Ортимдан онам келиб, қўлимдан тутиб, дарс ҳалқасидан олиб, газлама оқловчининг олдига элтиб қўяр эди. Мен эса онамнинг хоҳишига хилоф ўлароқ Абу Ҳанифанинг дарсига борар эдим.

Иш шундай давом этавергач, онам Абу Ҳанифага: «Бу бола етим бўлиб, фақатгина менинг урчуғим (ип йигирадиган чарх) орқасидан едирадиган нарсамдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Сиз эса бу болани айнитдингиз», деди.

Шунда Абу Ҳанифа: «Қулоқ солинг, ўйламасдан гапирманг, ҳали бу бола шундай илм оладики, ферузадан бўлган ликопчада хандон писта ёғидан қилинган фалузаж, яъни ун, сув, асал ва бошқа унсурларни қўшиб

тайёрланадиган юмшоқ ширинликни ейди», деди.

Онам: «Сиз ақлдан озган қария экансиз», деди.

Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ: «Мен қози бўлиб ишлаётганимда бир куни халифа Ҳорун ар-Рошиднинг ҳузурда эдим. Шу пайт ферузадан бўлган ликопчада фалузаж олиб келинди. Шунда у менга: «Бундан энг, бу нарса биз учун ҳамма вақт ҳам тайёрланавермайди», деди.

Мен: «Бу нима экан, эй мўминларнинг амири?», деб сўрадим.

У: «Бу фалузаж», деди.

Мен жилмайиб қўйдим.

У: «Нима учун куляпсиз?», деди.

Мен: «Шунчаки кулдим, Аллоҳ мўминларнинг амирининг умрини узоқ қилсин!», дедим.

У киши эса: «Кулишингиз сабабини айтинг», деди.

Мен мазкур воқеани айтиб бердим.

Шунда у: «Илм дунё ва охиратда манфаат беради ва юқори мартабага кўтаради. Аллоҳ Абу Ҳанифани раҳматига олсин! Дарҳақиқат у кўз билан кўра олмайдиган нарсаларни ақл кўзи билан кўрар эди», деди».

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ҳақларида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ «У шогирдларимнинг ичида энг билимдони», деб айтар эдилар. (Ал-Бидоя ван-нихоя)

Қудратуллоҳ Сидиқметов